

ҲУҚУҚИЙ, ДУНЁВИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ ТУШУНЧАЛАРИ: НАЗАРИЯ АМАЛИЁТ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11661072>

Норов Тожи Омонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори вазифасини бажарувчи
фалсафа фанлари доктори

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқий давлат, ижтимоий, ва дунёвий давлат тушунчалари, бундай жараёнлар бўйича назарияларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, назарияларларнинг умумийлиги, хусусиятлари таҳлил қилинган. Хусусан, Ўзбекистонда дунёвий ва ижтимоий давлатни шакллантиришда ижтимоий муносабатларнинг ўзгариши тенденциялари фалсафий таҳлил қилинган. Янги Ўзбекистоннинг янги типдаги жамиятга ўтиш шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўртасидаги зиддиятли муносабатлар, уларнинг ўзига хос-хусусиятлари, асосий омиллари аниқланганлиги ва таҳлил қилинган. Янги демократик жамият қуриши шароитида диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириши муаммосини фалсафий таҳлилнинг алоҳида тадқиқот объекти қилиб олинган ҳамда диний ва дунёвий мафкуралар ўзаро муносабатлари ва ҳамкорликларини такомиллаштириши тизимнинг ижтимоий ўзгаришларда ролини оширишдаги аҳамияти ҳақида сўз кетади.

Калит сўзлар: жамият, давлат, дунёвий давлат, ижтимоий давлат, ижтимоий гуруҳ, ижтимоий муносабат, ижтимоий шериклик, назария амалиёт, конструктив диалог, илмий билим, ҳуқуқий, ижтимоий давлатнинг ҳуқуқий асослари, конституция, қонун.

ПОНЯТИЯ ПРОВОВАЯ, СВЕТСКОГО, И СОЦИАЛЬНАЯ ГОСУДАРСТВА: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Таджи Омонович Норов

доктор философских наук.

и.о.проф. кафедры “Социальных наук”

Ташкентского государственного экономического университета

АННОТАЦИЯ

В этой статье проанализированы понятия правового государства, социального и светского государства, возникновение, развитие, общность и

особенности теорий по таким процессам. В частности, философски проанализированы тенденции изменения социальных отношений в формировании светского и социального государства в Узбекистане. Выявлены и проанализированы противоречивые отношения между религиозными и светскими идеологиями, их особенности, основные факторы в условиях перехода к новому типу общества нового Узбекистана. В условиях построения нового демократического общества проблема повышения эффективности взаимодействия религиозных и мировоззренческих идеологий рассматривается как отдельный объект исследования философского анализа, а религиозные и мировоззренческие идеологии подчеркивают важность совершенствования взаимоотношений и сотрудничества в повышении роли системы в социальных преобразованиях.

Ключевые слова: общество, государство, светское государство, социальное государство, социальная группа, общественные отношения, социальное партнерство, теоретическая практика, конструктивный диалог, научные знания, правовые, правовые основы социального государства, конституция, закон.

LEGAL, WORLD AND SOCIAL PUBLIC ENTITIES: THEORETICAL AND PRACTICAL

Norov Taji

Tashkent State Economic University
Professor of department “Social siense”
Doctor of Philosophy,

ANNOTATION

This article analyzes the concepts of the rule of law, social and secular state, the emergence, development, commonality and features of theories on such processes. In particular, trends in social relations in the formation of a secular and social state in Uzbekistan are philosophically analyzed. Contradictory relations between religious and secular ideologies, their features, the main factors in the context of the transition to a new type of society of the new Uzbekistan were identified and analyzed. In the context of building a new democratic society, the problem of increasing the effectiveness of the interaction of religious and worldview ideologies is considered as a separate object of research in philosophical analysis, and religious and worldview ideologies emphasize the importance of improving relationships and cooperation in increasing the role of the system in social transformations.

Key words: *society, state, secular state, social state, social group, social relations, social partnership, theoretical practice, constructive dialogue, scientific knowledge, legal, legal foundations of the social state, constitution, law.*

КИРИШ

Жамият, ундаги ижтимоий гуруҳ ва қатламлар ўртасидаги муносабалар, давлатлар пайдо бўлиши, давлат билан жамият ўртасидаги муносабат тўғрисидаги қарашлар даврлар оша шаклланган ва такомиллашиб келган. Муайян фикр, гоё вужудга келиши вақт талаб қилади. Замонасининг илғор фикрли, зиёли-олимлари турли усулларни қўллаган ҳолда ўз қарашларини илгари сурганлар. Уларнинг мақсади ўзлари мансуб жамият равнақи бўлган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳар доим ҳам, аксарият ҳолларда яратилган назариялар амалиёт билан мос-мутаносиб бўлмаган. Чунки, табиат ва ижтимоий муносабатлар бир жойда ўзгармасдан қотиб қолмайди. У тез ва шиддатли ўзгариб туради. Муаммо шундаки, кўплаб назариялар шаклланиб улгурмаёқ эскиради. У реал ҳаётга мос келмай қолади. Яна бир жиҳати борки, кўплаб назариялар шунчаки сиёсий популизмдан иборат бўлиб, уларни амалиётга тадбиқ этишни умуман имкони йўқ. Яна бир жиҳати, яратилган назариялар ёки концепциялар уларнинг яратган муаллифларининг фаразлари, ҳаваслари ва фантазияларидан иборат бўлади. Шу ўринда Гётенинг:

*Назария қуруқдир дўстим,
Лекин яшнар ҳаёт дарахти*

деган машҳур ҳикмати жуда тўғри айтилганлиги эътироф этиш мумкин. Шунини ҳам эътироф этиш керакки, айрим мутафаккирлар томонидан яратилган назариялар, улар қандай жанрда ёки услубда ифодаланган бўлишидан, қайси даврда яратилганлигидан қатъи назар қадрли, моҳияти ва асосан долзарблигини йўқотмаган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Қадимги рим мутафаккири Марк Тулий Цицерон жамият ва давлатни тенглаштирди ҳамда давлат ўзаро манфаатлар билан ўзаро боғланган одамлар мажмуи ва халқнинг умумий мулки эканини таъкидлади. Унингча, давлатнинг вазифаси мулкни муҳофаза қилишдан иборат. Давлат айти шу мақсадда ташкил этилади. Цицерон фикрига кўра, уч бошқарув шакли (монархия, аристократия ва демократия) унсурларини ўзида мужассамлаштирган аралаш давлат энг идеал давлатдир[1].

Юқорида идеал жамият ҳақидаги айрим тарихий қарашлар келтирилди.

Аслида, уларнинг ҳеч бири идеал бўлмасдан, самарадорлиги вақт ва макон, ижтимоий-сиёсий вазият билан боғлиқ. Бундан ташқари, уларнинг тўлақонли ҳаётга кўчиши учун халқ кадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва ҳатто ушбу мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатлари ҳам муҳимки, уларни эътиборга олмаслик мумкин эмас[2].

Дунёнинг бошқа минтақаларида ва турли замонларда кечгани каби, Марказий Осиё ҳудудида, сиёсий қарашлар эрамиздан бир неча минг йиллар аввал вужудга келган бўлиб, у ўша даврда ҳукмрон бўлган сиёсий ғоялар, диний-сиёсий мифология шаклида ривожланди.

Дастлабки диний таълимотлар зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто”да мужассамлашган ҳолда ёритилган. У Марказий Осиё халқларининг қадимги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий-фалсафий фикрларининг муҳим томонларини ўзида ифодалайди.

Кейинчалик, зардуштийлик қарашлари ўрнини ислом ғоялари эгаллади. Тарихий нуқтаи назардан сиёсий фикрларнинг вужудга келиши ва ривожланишида ислом дини муҳим манба ҳисобланади. Сиёсат ва сиёсий масалалар шариат (Қуръон асосида ишлаб чиқилган диний, жиноий ва фуқаролик қонуният ҳамда қоидалари мажмуи)да ўз аксини топган.

Марказий Осиё ҳудудида сиёсий фикрларнинг ривожланишига IX-X асрларда ҳукмронлик қилган сомонийлар сулоласининг таъсири жуда катта эди. Улар даври Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби улуғ мутафаккирларни етиштирди. Бу давр олимлари дунёвий маърифатга интилиш, табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларини ривожлантириш, инсонни улуғлаш, комил инсонни тарбиялаш, универсаллик-қомусийлик, умуман, фойдали барча илмлар билан қизиқиш борасида ўзларини намоён қилдилар.

Марказий Осиёда давлат ва жамиятни юритиш масалаларига Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлук ибн Тархон Форобий бениҳоя катта ҳисса қўшган. Форобийнинг жамият, давлат, ҳуқуқ, сиёсат, адолат, таълим, тарбия ҳақидаги ғоялари, қарашлари “Бахтга эришиш ҳақидаги трактат”, “Уруш ва тинч-тотув яшаш ҳақида”, “Жамиятни ўрганиш ҳақидаги китоб”, “Давлат арбоблари ҳақидаги афоризмлар”, “Фозил одамлар шаҳри” каби асарларида ўзининг чуқур ифодасини топган[3].

Форобий жамият, давлат ва ҳуқуқ масалаларининг назарий, умумий фалсафий асосларини тушунтиришга ҳаракат қилди. У жамиятнинг келиб чиқиши, давлатнинг пайдо бўлиши, унинг шакли, давлат арбоби ва унинг вазифаси, улар олдида қўйилган асосий талаблар, давлатни идора этиш усуллари ҳақида фалсафий-сиёсий қарашларини баён этди. Форобий ўз

асарларида бир қатор муҳим ижтимоий масалаларни ёритишга уринди. У инсон томонидан жамиятда яшаш учун содир қилинадиган ҳаракатларни иккига бўлди:

1. Адолатли, ҳақиқий ақлга мувофиқ ҳаракатлар. Бу ҳаракатлар орқали ҳақиқий бахтга эришиш мумкин. Шу ўринда “ақл” масаласи изоҳталаб. Зеро, айрим даврларда ақл инкор этилиб, унга мутлақ амал қилувчилар қаттиқ қораланган. Яъни унга кўра, инсон ҳаётининг айниқса эътиқодий жиҳатлари ечимда илоҳий манбалар бирламчи ҳисобланиб, бу борада ақлга эҳтиёж йўқ. Бу муҳокамасиз итоатни талаб қилади.

2. Адолатсиз, мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳаракатлар, улар бахтсизлик келтиради. Демак, Форобий адолат деганда бахтни, унинг зиддидан бахтсизликни назарда тутган.

Форобий жамият сиёсий ҳаётида давлат аппарати томонидан олиб бориладиган ишларга алоҳида эътибор берди. Унингча, давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак.

Форобий ана шундай бошқарув кишилари бахтга, тинчликка олиб боради, бундай давлатда бошқарув адолатлидир, аксинча, бахтсизликка, уруш ва қирғинликларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир, деб ҳисоблади.

У идеал (фозил) шаҳарлар, яъни идеал шаҳар давлатлари ва идеал бўлмаган шаҳар давлатлари хусусида ҳам фикр юритди. У фозил шаҳар энг адолатли ва маърифатни ўзида мужассам қилган донишманд томонидан бошқарилиб, бу давлат шаҳар аҳолисининг ўзаро кўмаклашувига, бир-бирига ёрдам беришига асосланади, деб ҳисоблади.

Унинг фикрича, бошқарув (идора) санъати икки қисмдан иборат бўлади: назарий ва амалий. Назарий қисми бошқарувнинг асосий усул ва қонуниятлари ҳақидаги билим бўлса, амалий қисм давлатни идора қилишдир. Уларнинг ҳар иккисига ҳам сиёсий амалиёт, тажриба ва кузатув натижасида эришилади. Форобий инсон табиатан иттифоқда, алоқада, муносабатда бўлишга интилади, деган фикрни ёқлаб чиқди.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний одамлар жамоа бўлиб яшашининг асосий қоидалари ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч-тотув яшаш, умумий манфаат учун ишлашга асосланган бўлиши керак, деб ҳисоблади. Буюк олим мамлакатлар ва давлатлар ўртасида яхши кўшничилик муносабатларини олиб бориш ғоясини илгари сурди. Беруний наздида, давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши, уларнинг вазифалари эҳтиёждан.

Яъни одамлар ижтимоий адолатли тартиб, қоида ўрнатиш учун давлатга бирлашадилар. Беруний давлатни мутлақ ҳоким эмас, балки маърифатпарвар раҳбар бошқариши кераклиги ҳақидаги ғояни илгари сурди. Аниқроқ қилиб

айтганда, у демократик жамиятни орзу қилди. Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари энг илғор ва чуқур инсоний қоидага асосланади. Аллома шоҳлар ва қонуниятлар ҳазрати инсон учун хизмат қилиши ҳамда уни босқинчилардан ҳимоя қилиши керак, деган ғояларни илгари сурди[4].

Абу Али ибн Синонинг сиёсий қарашлари аббосийлар халифалигининг сиёсий тушқунликка учраган ҳамда хонликлар, бекликлар ўртасида ўзаро зиддиятлар, низолар, урушлар кучайган бир замонда шаклланди. У кўп жиҳатдан Форобийдек фикрлади. Шунингдек, ижтимоий-сиёсий қарашларида Юнон олимлари Афлотун, Арасту, Сукрот ғояларидан ҳам илҳомланди.

Унинг идеал давлат тўғрисидаги фикрига кўра, бундай давлат тепасида маърифатпарвар шоҳ туриши, жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланишлари лозим. Ибн Сино жамиятни давлатсиз, қонун-қоидасиз тасаввур қила олмайди.

У ўзининг “Рисолаи тадбири манзил” асарида шундай ёзган: “Агар ҳамма одамлар шоҳ, султонлардан иборат бўлса ёки ҳаммалари оддий меҳнаткаш бўлсалар эди, уларга раҳбарлик қилувчи султонлар, хонлар бўлмаса эди, бундай ҳолда уларнинг барчалари ҳалок бўлган булур эдилар”. Мутафаккир жамиятдаги моддий тенгсизликни эътироф этиб, барча одамларнинг бойиб кетиши ва аксинча, камбағаллашиб кетишига қарши чиқди. Унингча, агарда ҳамма жамият аъзоси бирдек бойликка, мулкка эга бўлса, у ҳолда бир кишининг бошқасига ёрдам кўрсатиши, бир-бирини рағбатлантириши тугатилади.

Аксинча, одамларнинг ҳаммаси йўқсилларга айлансалар, бундай ҳолда улар очарчиликдан қирилиб кетади. Шундай қилиб, Ибн Сино жамият аъзоларининг ниҳоятда бойиб ва аксинча, камбағаллашиб кетишларига қарши. У одамларни ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирига ёрдам кўрсатиш қоидаларига асосланиб яшашга даъват қилади. Айни шу қараш шаклан социалистлар қарашларига ўхшаб кетади. Аммо Ибн Сино мулкни ёқлади – ҳар бир инсон хусусий мулкига эга бўлиши, уни тасарруф этиши ва шу орқали жамиятда ўз ўрнини топиши лозим. Социалистлар эса аксинча мулксизлик тарафдори – барча мулк давлатники. Бу мулксизлик, яъни оммавий қашшоқлик ғоясидир[5].

XIV асрнинг ўрталарига келиб, дунёни ларзага солган муғуллар ҳукмронлигига қарши Хуросонда бошланган озодлик ҳаракати Мовароуннаҳрга етиб келди. Муғуллар ҳукмронлигининг мағлубиятга учрашига катта хизмат қилган саркарда Амир Темур номи билан боғлиқ сиёсий қарашлар “Темур тузуклари”[6] да мужассам.

Темур ўз империясини тузишда ва уни бошқаришда янги диний мафқурани яратмасдан, исломни танлади. Асосий қонуният қилиб эса шариатни қабул

қилди ва уни ҳимоя қилди. Буюк империяни мустаҳкам мафкура ва қонуният-қоидага асосан идора этди. У биринчи навбатда халққа таянган ҳолда давлатни бошқарди. Муҳим ишларни улар билан кенгашган ҳолда олиб борди.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида бутун Туркистон чоризм томонидан босиб олинди. Натижада, маҳаллий аҳоли ўзининг барча ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқларидан, тили – давлат тили мавқеидан маҳрум бўлди.

Янги давр ижтимоий-сиёсий тафаккури ва назариялари тизимида, **“Ижтимоий давлат” тушунчаси биринчи марта XIX аср ўрталарида Лоренс фон Штейн томонидан илгари сурилган.** У давлат ғояси тенглик ва эркинликни тиклаш, кам таъминланган синфларни бой ва кучлилар даражасига кўтариш, давлат “барча аъзоларининг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини амалга ошириши, чунки бирининг ривожланиши бошқасининг ривожланишининг шarti ва натижасидир”. Ижтимоий давлат – умумий тамойиллари (аралаш иқтисодиёт, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш ва бошқалар) дунёнинг иқтисодий ривожланган аксарият мамлакатларида амалга оширилган модел.

Ижтимоий давлат модели Буюк Британия, Франция, Швеция, Италия, Бельгия, Дания, Финдленд, Германия, Португалия, Испания, Австрия, Греция, Япония, Нидерланды, Швейцария, АҚШ каби давлатларда қўлланилмоқда.

Ҳуқуқий ва дунёвий давлат тушунчаси Германия, Испания, Италия, США, Франция каби давлатлар Конституцияларда ифодаланган[7].

XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда сиёсий фикрларнинг ривожланишига Маҳмудхўжа Беҳбудий жуда катта ҳисса қўшган. Унинг сиёсий қарашлари жадишлик ҳаракати ва унинг фаолияти билан боғлиқ. Маҳмудхўжа Беҳбудий ана шу ҳаракатнинг ташкилотчиси ва йўлбошчиларидан бири сифатида унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Жадишлар туб социал-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ўзгаришлар қилиш талаблари билан чиқди[8].

Кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида идеал жамият ҳақидаги қарашлар илгари сурилиб, уларнинг айримлари кўплаб ғояларни бирлаштирган ҳолда янги мафкура яратишга асосланган. Умуман, бу янгилик эмас. Бунга аввал ҳам уринишлар бўлган.

НАТИЖАЛАР

Ўзбекистондаги ислохотларнинг пировад мақсади ижтимоий камолот, жамият инсон фаровонлигига, манфаатларига қаратилганлиги, унинг

Конституциясида мустақамлаб қўйилди. Янги тахрирдаги Конституцияда жумладан шундай белгилаб қўйилди:

"Ўзбекистон - суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат... (1-модда)"

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли «Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат», деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди”.

“Ижтимоий давлат – фақат муҳтожларга озик-овқат, зарур ашёлар, уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутмайди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиқ қўйиш ҳам *ижтимоий давлат*да муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди”, деб баён этилган.

3. Ушбу қўшимча билан Ўзбекистон давлатининг сиёсий-ҳуқуқий мақомига янги учта, яъни “**ҳуқуқий давлат**”, “**ижтимоий давлат**” ва “**дунёвий давлат**” тушунчалари қўшимча қилинмоқда.

Ҳуқуқий давлат – бу демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлатдир. Қолаверса, қонунларнинг бутун давлат ҳудудидаги устуворлиги, ҳокимиятлар ваколатининг бўлиниши, шахс ва давлатнинг ўзаро маъсуллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишидир.

2017-2021 йилларда Ҳаркатлар стратегияси асосида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва суд ҳокимияти мустақиллигини кучайтириш мақсадида судьялар олий кенгаши тузилди, Олий суд ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди, маъмурий судлар, туманлараро иқтисодий суди ташкил этилди, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди, Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши тузилди ва ҳоказо.

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Энг муҳими, охириги беш-олти йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди, хусусан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди, “**Мономарказ**” лар фаолияти йўлга қўйилди, “**Темир дафтар**”, “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**” тизимлари ташкил этилди. Ишлаётган пенсионерларга пенсиялар **100 фоиз** тўланишга ўтилди.

Ижтимоий давлатда таълим ва тиббиёт жуда катта аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан қарасак, олий таълим билан қамров даражаси **9 фоиздан 40 фоизга** оширилди. **Олий таълим муассасалари сони 2 бараварга** оширилди, 2017 йилда республикада **72** та олий таълим муассасалари фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирда **167** тани ташкил этди.

2017 йилда **5211** та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритган бўлса, 2021 йилда муассасалари сони **19 316** тага етказилди, республика бўйича қамров **62,4%** га етди. **Ёки**, Хусусий тиббиёт ташкилотлари сони **3 810** тадан **6 527** тага етди.

Умуман олганда, Ўзбекистонни ижтимоий давлат, деб эълон қилишга асослар яратилди.

Дунёвий давлат – давлат ҳокимияти ва бошқарувдан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки фуқаролик қонунчилиқ ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянилмайдиган давлатдир. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканлигини тавсифлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди.

Ижтимоий давлат функциялари – бу ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш; ишсизликка қарши курашиш; тадбиркорларга ёрдам; аҳолининг бандлигини ва даромадларини доимий ўсишини таъминлаш; таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш; жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш.

Ижтимоий давлат белгилари:

– бу сифатли таълим, малакали ва мақбул тиббий хизмат; ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт;

- фуқаролик жамиятини ривожланганлиги; ижтимоий давлат дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

- давлатнинг ҳар кимга муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг ўзини ўзи англаши учун тенг бошланғич шароитларини таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш;

- фуқаролар олдидаги ижтимоий масъулият;

- ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори; ижтимоий ҳаётни яхши ривожланган тартибга солиш тизими;

- бюджетдан ижтимоий тўловларининг мавжудлиги;

- ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги;

- жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги;

- фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун давлат томонидан жавобгарликни қабул қилиш.

“Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси” IV – бобда **“Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш”** масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, мазкур стратегиянинг **43 та мақсади** бевосита ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасини кўтаришга қаратилган.

МУҲОКАМА

Ўзбекистон Конституциясидаги 1-моддада Ўзбекистон дунёвий давлат экани белгиланди. Хўш, дунёвий давлат нима дегани ўзи? Дунёвий давлатнинг қандайдир қолип, кўриниши борми? Бу масалада олимлар ягона консенсусга келганми? Айни тушунчанинг конституцияда акс этишига қандай зарурат бор эди? Каби саволар кенг муҳокамаларга сабаб бўлиб келаётир. Мавзу юзасидан саволларга оддий кишилардан тортиб, таниқли олимлар, мутухассислар, экспертлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб келишмоқда. Бундай муҳокамаларда. Ижтимоий-дунёвий-ҳуқуқий давлат тушунчасини юксак баҳолашдан, уни мутлақо рад этиш даражасигача фикрлар бор.

Kun.uz мухбири мавзу юзасидан сиёсатшунос Фарҳод Толипов, адвокат Раззоқ Алтиев ва журналист Сардор Салим билан суҳбатлашди ва қуйидаги баҳс, фикр-мулоҳазалар баён қилинди:

Фарход Голипов:

- ...Бу уч — дунёвий, ҳуқуқий, ижтимоий деган тушунчалар борасида ҳозирча дунё сиёсатшунослари, экспертлари орасида аниқ бир келишув, яқдиллик мавжуд эмас. Турли сиёсий доиралар турлича баҳслар бўлади бу борада. Ҳуқуқий давлат тушунчаси нега қўшилди, конституция ва бошқа қонунлар ишласа, шундоқ ҳам ҳуқуқий давлат бўламиз-ку, деган гапларни ҳам эшитяпмиз.

Дунёвий давлат тушунчаси ҳақида гапирсак. Бу борада аксарият олимлар, экспертларда яқдиллик бор, аммо аниқ бир атама сифатида киритилгани йўқ. Лекин халққа, жойлашувга кўра намоён бўлиши ҳар хил. Секуляризмни[9] менинг назаримда 4 томондан кўриб чиқса бўлади: диний томондан, сиёсий томондан, фалсафий ва ҳуқуқий томондан.

Сиёсий нуқтаи назардан қаралса ҳам бир нечта тушунча бор. Собик иттифоқ давридан қолган дин давлатдан ажратилган, деган ёндашув бор. Аниқроқ қилиб айтилиб, дин эмас, диний институтлар давлатдан ажратилган, дейилади. Бундан ташқари, давлатда ҳеч бир дин устувор бўлмайди, бир-бири билан тенг, давлат даражасига чиқмайди, каби таърифлар ҳам учрайди. Социологик нуқтаи назардан дунёвийлик диний эркинликни таъминлайди, дейилади.

Диний институтлар давлатдан ажратилган бўлади, деган тамойилни илгари сурсак ҳам, нотўғри бўлиб қолади. Чунки Марказий Осиё давлатларида буткул ажратилмаган.

Сардор Салим:

- Секуляризм тушунчаси жаҳидчилар ва большевиклар билан кириб келган ўзбек жамиятига. Мен унга 3 та нуқтаи назардан ёндашаман:

1. Социологик нуқтаи назар: оиладаги, жамиятдаги қонунлар қонунларга асосланади, динга эмас;

2. Фалсафий нуқтаи назар: бунда айни яшаб турган дунёга кўпроқ эътибор бериш бўлади, охирагга эмас;

3. Сиёсий секуляризм, яъни бунда дин ва давлатни ажратиш. Аслида, бу мумкин эмас. Маҳатма Ганди динни сиёсатдан ажратмоқчи бўлган одам сиёсатни ҳам, динни ҳам тушунмайди, деган.

Секуляризмнинг конституция даражасига кўтарилишига сабаб Ўзбекистонда аҳоли Ислом динига эътиқод қилиши кучаймоқда. Маълум элита қатлам вакиллари томонидан бу таҳдид сифатида кўрилмоқда. Радикаллашиш ва исломлашишни бир-биридан ажрата олишмаяпти.

Секуляризм тушунчаси киритилиши бир томондан имконият бўлиши мумкин. Масалан, Европада секуляризм икки хил тушунча, яъни динга

хайрихоҳ секуляризм ва динга қарши секуляризм. Бизга болшевиклар орқали динга қарши секуляризм кириб келган. СССР 30-йиллардан диндорлар қатағон қилиши шундан. Динга хайрихоҳ секуляризм тушунчаси бўлса, имконият бўлади бу. Юқоридаги элитага боғлиқ бу.

Раззоқ Алтиев:

- Конституциялар мисолида бу тушунча янгилик эмас, кўплаб ғарб давлатларида мавжуд. Олдинги конституцияда ҳам дин ва давлат ажратилгани белгилаб қўйилганди. Конституцияга шарҳнинг намунасида дунёвийлик деганда, қонунлар устуворлиги таъминланадиган, дин ва давлат бир-бирдан ажратилган экани айtilган.

Баъзи давлатларнинг конституциясида диний қоидаларга амал қилиниши, шунга кўра иш қўрилиши белгиланган. Фақат мусулмон давлатлар эмас, бошқа давлатларда ҳам бор. Умуман, дунёвий давлат эканимизни мустақиллик эълон қилинган даврдан эътироф этилади. Яъни виждон эркинлиги таъминланишининг ўзи дунёвийлик, фақат ҳозирги конституциясида аниқ термин сифатида киритилди. Юрист сифатида бу нарса янги конституциянинг ютуғи деб биламан.

- Бу тушунча киритилиши фуқаро ва фуқаро ёки давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда қандай ўзгаришларга олиб келади?

Фарҳод Голипов:

- Мавҳумлик кириб келди деган фикрдаман мен. Бу тушунчага аниқ шарҳ берилмас экан, турлича талқинларга сабаб бўлаверади.

Олдин ҳам конституциядан ташқарида диний ташкилотлар, эътиқод ҳақида қонун бор эди. Ўша қонунда ҳам дунёвийлик тушунчасини очиб берувчи бандлар бор эди. Балки ўша қонунларни такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўларди. Конституцияга бу тарзда мавҳум қилиб киритиш айтганимиздек турли ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин.

Диний идоралар орқали давлат билвосита тарзда дин ишларига аралашмаяптимикиан, деган савол қўйиш ҳам мумкин. Мувофиқлаштириш бордек тасаввур пайдо бўлади. Баъзи диний муассасалар давлат бюджетидан қуриляпти. Демак, ажратилмаган тўлиқ.

Одамлар ўртасидаги муносабатлар масаласида экспертлар бош қотиришяпти ҳозир. Масалан, ОТМда ҳижоб ўраш тақиқланган эди ички тартиб-қоидалар орқали. Буни изоҳлаш учун биз дунёвий давлатмиз дейишарди масъуллар. Шундай турлича ҳолатлар бўлгани ҳам анча вазиятни чалкаштириб юборади.

Раззоқ Алтиев:

- Дунёвийлик деганда, давлат дин эркинлиги таъминлаши, дин ўртасидаги тотувликнинг сақлаши тушунилиши керак. Биз баҳслашаётган ҳолатларга шарҳ берилса, ҳамма тушунмовчиликлар барҳам топади.

Умумий қоидага кўра тушунмовчилик ҳолатлари фуқаро фойдасига ҳал қилинади. Аммо бундай қоидалар илгари ҳам бор эди. Қай даражада ишлагани ҳам маълум.

Дунёвий давлат тушунчасини фақат шу моддалар, қонунлар орқали муҳокама қилиш эмас, балки шу қонунлар билан ишловчи ходимлар савияси билан боғлаш керак. Ходимлар ўз билганича, ўз талқини билан иш қилса, қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун кенгроқ шарҳ, тушунтириш керак бўлади моддалар ҳақида.

Сардор Салим:

- Дунёвийлик тушунчаси давлат ва фуқаролар томонидан тўғри англанилса, ижобий натижалар беради, фикримча. Секуляризм кўпроқ толерантликка бошлайди, яхши нарса бу. Лекин Ғарбий Европадан кўр-кўрона ўзлаштириш билан татбиқ қилинмаслиги керак. Секуляризм тепадан босим билан эмас, пастдан тепага ўсиши керак. Биз бу секуляризмни ўзимизники қилишимиз керак, кўр-кўрона кўчириш эмас.

Диндор қатламда бу нотўғри тушунилади. Чунки баъзи давлатларда нотўғри талқин қилинган бу. Сабаби бу нарса Ғарб колониялаштириши билан кириб келган аксар жамиятларга. Шунинг учун ҳам тўғри тушуниши керак икки томон ҳам[10].

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган назариялар таҳлили, муҳокамалар, конституция ва қонунларда белгиланган устивор вазифалардан келиб чиқиб, дунёвий, ижтимоий, ҳуқуқий давлат тушунчалари бўйича қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутати;

шунингдек, ижтимоий давлат шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечирishi учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади;

ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир;

яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиқ қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади;

Энг муҳими, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш йўлида илдам одимламоқда. Шу долзарб омилни ҳисобга олган ҳолда, “**Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат**” тамойили ҳаётимизнинг барча соҳаларида ўз аксини топишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Марк Туллий Цицерон. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
2. Даминов.И. Аждодларимизнинг идеал жамият ҳақидаги фалсафий-ҳуқуқий қарашлари. <https://www.facebook.com/manaviyat>.
3. Абў Наср Мухаммед ибн Мухаммед аль-Фарабӣ. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
4. Abu Rayhon Muhammad ibn Ahmad Al-Beruniy. https://uz.wikipedia.org/wiki/Abu_Rayhon_Beruniy
5. Абў Али Хусейн ибн Абдуллаҳ ибн аль-Ҳасан ибн Али ибн Сина. <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
6. Темур тузуклари. <https://temurtuzuklari.uz/uz>
7. Конституцияга ўзгартириш: 1-моддага "ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий" сўзлари қўшилмоқда. <https://aniq.uz/yangiliklar/konstitusiyaga-uzgartirish-1-moddaga-huquqiy-ijtimoiy-dunyoviy-suzlari-qushilmoqda>
8. Маҳмудхўжа Бехбудий. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/tarix/manaviyat-yulduzlari/mahmudhuja-behbudiy-1875-1919/>
9. Секуляризм. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>
10. Ўзбекистон – дунёвий давлат. Бу нима дегани? — таҳлилчилар билан суҳбат. <https://kun.uz/kr/news/2023/06/02/ozbekiston-dunyoviy-davlat-bu-nima-degani-tahlilchilar-bilan-suhbat>